

Kitob dunyosi

№ 14 (257)
2017 йил
26 июль

● Газета ойига
икки марта — ҳар
ойнинг
иккинчи ва
тўртинчи
чоршанбасида
чоп этилади



Франц КАФКА

* Бу тун ҳам ширин тушлар тиларканман,
бор будимни сенга бир нафасда йўллайман.
* Вокзалда менга боққан нигоҳингдан ҳам-
масини англадим. Бу нигоҳни унутолмай-
ман.
* Тутунларнинг остида оташ бор.
* Хориганман, ҳеч нарсани билмайман.
Ўлгимиз истагани юзминни қучоғингга қўйиш,
сочимни силаётган қўлингга қўйишди.
* Чексизлик бўлсам дейман, лекин руҳи-
ятимда жудаям тор кўринаман.
* Куш излаган қафасман мен.
* Сен китобсан. Кўриниб турибдики, сени
ўқийдиган ўқувчи йўқ.
Муслим МУСАЛЛАМ таржимаси

Маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий газета

www.kitobdunyosi.uz

АДАБИЁТ РИВОЖИГА ЯНГИ КИТОБЛАР КЕРАК!



Кристофор ФОРТ,
америкалик тадқиқотчи
«Китоб дунёси» газета-
сининг Мичиган штати-
даги вакили

талари билан яшаган. Чосернинг
анъанасига эргашиб, Этвуд битта ка-
низакдан ривоятчи сифатида фой-
даланади; асар шунинг учун "Кани-
закнинг қиссаси" деб аталади.

Этвуднинг романида нафақат 1980
йилларнинг сиёсатидан, балки ус-
лубидан таъсирланиш сезилади.
1980 йилларда Жак Дерриданнинг
фалсафаси ва унга боғлиқ постструк-
турализм ва постмодернизм жуда
оммабоп бўлган.

2016 йили апрел ойида "Hulu" де-
ган онлайн телевидение ширкати ро-
маннинг сериалга адаптациясини
сўйма қилишга киришганини баён
қилган. Кейинги йили чиққанидан
сўнг сайловларнинг натижаси орқа-
сидан кўп шухрат қозонган. Адапта-
ция романдан фарқ қилади. Постмо-
дернизм фалсафасига боғлиқлиги
қарамай, роман модернистик услуб-
да ёзилган. Канизак ўйларини пари-
шон, тартибсиз нақл қилади. Сюже-
ти кам. Адаптация учун сюжет керак,
албатта. Ундан ташқари, сериал ўн
қисмдан иборатлиги учун томошаби-
ларнинг қизиқишини сақлаши лозим.
Шу сабабли, романдан фарқли
ўлароқ кўпроқ умидли кўринишлар
бор ва персонажларнинг шахсий та-
рихлари берилган. Масалан, роман-
да канизак ривоятчисининг исмини
ҳеч қачон билмаймиз; романда унинг
исми Офред чунки Фред деган ко-
мандир унинг эгаси ва Офред пат-
ронимик исми. Аммо сериалда унинг
исми Жун бўлганини билиб оламиз.

Роман нафақат сериалга айлан-
тилган, балки оммабоп маданиятга
кирган. Трамп ва унинг тарафдор-
лари абортга қарши ва умуман аёл-
ларга қарши бошқа қонунлар қабул
қилишга эътироз билдириш учун
Охайо ва Техас штатларида аёллар
сериалдаги канизаклардек қийинчи
мажлисга келиб протест қилишади.
"Канизак қиссаси" 2006 йилда рус
тилига таржима қилинган, аммо
ўзбек тилига ўғирилганича йўқ.



Кўнгила ойнаси

РАҲМАТ СЕНГА, АЗИЗИМ ҲАЁТ

Минг ташаккур Сизга одамлар,
Этажакман минг бора таъзим.
Юрагимдан ўчмайди асло,
Яхшилар бахш этган табассум.


Меҳрингизни ҳис этганим чоғ —
Менинг учун энг азиз онлар...
Сиз умримни ёритган чирок,
Минг ташаккур Сизга инсонлар.

Мен Сиз билан ҳаётман фақат,
То бормизки, ёруғ оламда —
Йўқолмасин жўшқин муҳаббат
Яшаётган ҳеч бир одамда.

Бирингиз гул, бирингиз шабнам,
Мудом мангу юрагимдасиз.
Фахрланиб яшарман ҳар дам,
Мангу ёниқ Сиз қолдирган из.

Бахш этдингиз шукрона лазиз,
Тоғдек суюнч бўлдингиз бот-бот.
Умримга файз улашган — юлдуз —
Раҳмат сенга, азизим ҳаёт.

Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ,
Фаргона вилояти Учкўприк
туманидаги 8-мактабнинг она
тили ва адабиёт фани ўқитувчиси



«YOLG'ONCHI CHO'PON»
Masallar
Muallif: EZOP
Akademnashr
Toшкент — 2017

Миллодан аввалги VI асрда яша-
ган юнон масаллики Эзоп ушбу
жанрнинг том маънодаги етук ва-
кили ҳисобланади. Унинг қалами-
га мансуб масалларни ўқиган
ўқувчи ҳар бир замон ва маконда
ўзини изтиробга солган кўплаб са-
волларга жавоб топади. Мазкур
китоб сизга манзур бўлади, деб
ўйлаймиз.



«БАДИИЯТ — БОШ МЕЗОН»
Адабий суҳбатлар
Муаллиф: Нўзмон Раҳимжонов
"Akademnashr"
Тошкент — 2016

Маъмуға атоқли адабиётшунос
Нўзмон Раҳимжоновнинг турли ижодий
авлодга мансуб шоир, ёзувчи, олимлар
билан адабий суҳбатлари жамланган.
Уларда сўз санъатларининг инсон -
жамият - табиат вобасталигини бадиий ид-
рок ва ифода этишдаги эстетик принцип-
лари, ижодий жараён, бадиий маҳорат
масалалари хусусида фикр-мулоҳазалар
юритилган.

КЎПРИК

"ЛУҒАТИМДА "АГАР" ДЕГАН СЎЗ МАВЖУД ЭМАС"



Пауло КОЭЛЬО,
Бразилия адиби

— "АлкимеҒар"ни ўқигач,
ҳайрат туйғусидан кўра
кўпроқ умидсизликни ҳис қил-
ган кўп одамларни биланман.
Улар ҳаётни шунчаки сароб,
бемаънилик, деб англаган...
Бунга нима дейсиз?

— Мен кимдир нимагадир
ишонтириш, кимгадир қандай
яшаш кераклигини аниқлаш учун
қоғоз коралашни бошламадим.
Ўзим ҳақимда ёзиш учун қўлим-
га қалам олдим. Ёзиш — руҳия-
тимни англашга, қалбимнинг но-
маълум қирраларини очишга
қўмаклашади. Одамларни ишон-
тирган ягона куч, бу — тажриба.
Мутолаа уларга ҳаёт моҳиятини
англашга ва ўзини топиб олишга
ёрдам берган, холос. Бундай
ҳолатда ўзимда ҳам рўй берган.
Рухиятимга яқин китобларни то-
пиб олганимда тўсатдан ёлғиз
эмаслигимни ҳис қилганман. Ки-
тобларимни ўқиб тушунликка ту-
шиб қолганларга жавобим қуйи-
дагича: "Ишонинг, сиз ёлғиз
эмасиз! Сизга ўхшаганлар кўп.
Шунчаки орзу-умидингизни ёдга
олинг ва у томон ўз йўлингиздан
боринг. Фақатгина шу аснода ни-
магадир эришишингиз мумкин.
Балки адабиётга муҳаббат уй-
ғотадиган туйғулардан бири, бу,
айнан, ёлғиз эмаслик ҳиссидир.
У одамларга ҳаётга муносабатини
ўзгартаришга ёрдам беради".

— Одамларни уйдан чиқиш-
га ундайлигини қачон билиш? Саё-
хату сайёҳликнинг оҳанрабо-
си нимада?

— "АлкимеҒар"да чўпон йигит
хазинасини излаб Миср эҳром-
лари томон йўл олади. Узоқ
йўл босади. У хазинасини топиб
ўзлигини англайди. Бизни чо-
рлайдиган йўллар мавҳум дунёга
олиб боради. Сайёҳлигун саёҳат
инсонга, ҳатто умрининг сўнгига
қадар мавҳум қолиши мумкин
бўлган қирралари билан тани-
шишга ёрдам беради. Бу руҳи-
ятни англаш усулидир. Ҳаммаси
равшану аниқ ҳаёт, бу — доимо
ўзимиз ва жамият томонидан ҳар
тарафдан барпо этиладиган де-
ворлар билан ўралган мавжуд-
ликдир. Саёҳат ана шу деворлар-
ни қўлатади ва инсон шу чоққача
номаълум бўлган ўз қалбидини
ўммонда пайдо бўлиб қолади.
Йўлга чиққанда одамларга ишо-
нишдан бўлак илож йўқ. Йўлда
ҳаммамиз боладек бегуноҳ ва бе-
ғубор бўлиб қоламиз. Ҳаётим да-
вомида шунга амин бўлдимки,
мени васвасага солувчи шайтон
ҳам, қўриқчи фариштам ҳам мен
билан ўзгалар орқали мулоқотга
киришади. Яна шунга англадим-
ки, саёҳатда нимани қўлга кири-
тиш — фақат ва фақат инсоннинг
ўзига боғлиқ.

— Қандай жойларни жо-
бадор деб санайсиз?

— Мен тоғларни яхши кўра-
ман. Мен учун пурвиқор қоялар
ҳақиқий эркак қиёфасидир. Бу —
сабот, эрк ва қомилликка инти-
лиш учун ишора. Бирок ҳамма
нарсда мувозанат кераклигини
англаганимда тагин руҳиятим

мени денгизга, сувга торта бош-
лайди.

— Чин муҳаббат инсонга
неча марта берилади?

— Бу қийин савол. Муҳаббат
мен учун мавҳум синоат бўлиб
қолмоқда. Бу инсонларни мудом
бир-бирига тортувчи оҳанрабо-
си қўли туйғу. Муҳаббат, бу — мен
билган ва билишни истайдиган
ягона сир-синоат. Аммо мен бил-
майман... У ҳақда ҳеч нима бил-
майман...

— Қаршингда китоблари ўн
миллионлаб нусхада чоп этил-
ган машҳур ёзувчи ўтирибди.
У муҳаббат ҳақида ҳеч нима
билмайман, деса галати эши-
тиларкан. Бундай ҳолатда
бошқалардан гина қилмаса
ҳам бўлади. Унда қолганлар
нима қилсин?

— Ҳаётим давомида шуни ан-
гладимки, одамзод бу дунёда мав-
жуд ҳеч бир ҳодисалар ҳақида
туғал фикр айтолмайди. Чунки
содир бўлаётган воқеалар унинг
инон-ихтиёрида эмас. Ким била-
ди, эҳтимол, мен бир дақиқадан
сўнг бандаликни бажо келтири-
ман. Ҳозирги суҳбатимиз даво-
мида дарахлардан қанча яроқ
тўкилди? Дарахлар қанчага буй
чўзди? Булардан беҳабарман
ахир...

— Бундан қикди, Ер юзида-
ги ҳеч бир инсон ўз келажа-
гидан ишончи қомил эмас
экан-да?

— Шубҳасиз. Мен фақат ҳар
бир инсоннинг мақсади бўлиши

кераклиги ва буни амалга оши-
ришига интилиши лозимлигини
шунингдек, Худо яратган ҳар бир
мавжудоту махлуқот бўйича юк-
латилган вазифасини тўла адо эт-
магунча Ер юзини тарк этмай-
ди, тўғриси тарк этмайди.

— Пауло Коэльо ўзини ўзлик-
ни англаш, бу — ёзувчилик-
ми?

— Қўлимга қалам олгунга қадар
оддий одам эдим. Яшашдан зер-
рикандим. Бир кун ўзимга: "Па-
уло, ўзинг учун қизиқ ва муҳим
иш билан шуғуллан", дедим. Ва
мен ёзувчиға айландим.

— Бу қачон содир бўлди?

— Ҳаттиз беш ёшимда. Рухия-
тимдаги ўзгаришлару галаёлар
даври эди. Уша вақтда биров
менга Испаниядаги Сантьяго-де-
Компостела шаҳарчасида като-
ликлар учун муқаддас қадамжо-
лар бўйлаб 80 километрик пи-
ёда қилинадиган зиёратни амал-
га оширишни маслаҳат берди.
Йўлга отланганимда эътиқод
йўлидан юриш қийин, деб ўйла-
дим. Ибодат давомида ёзишим
кераклигини англадим. Ҳар
оламлидаги эски кемалару кўприк-
ларнинг барига ўт қўйдим... Бу
ошада ўзим ҳам ёндим ва мут-
лақо бошқа одамға айландим.
Мен ўзимга танлаш ва қайта
ўйлаб кўриш имконини қолди-
рдим. Ҳаммаси оддий бўлиб
қолди.

— Бу фавқулодда ўзгариш-
ни атрофдагилар ҳам сезган-
дир?

— Билмадим, мен ўзимдаги эв-
рилишлар борасида аёлимдан
бошқасига оғиз очмадим. Суюкли
инсонинг қалбидини англамаси,
ўзганин тушунишга кўзинг ет-
майди. Кристина ўша вақтда шун-
дай деди: "Бу — сизнинг ҳаётин-
гиз, шундай экан, ўзингиз ҳаракат
қилишингиз керак. Бошқа ҳаётин-
гиз бўладими ё аввал бўлганими,
бу — муҳим эмас. Ҳозир сизда фа-
қат шу ҳаёт бор. Уни қадрлашин-
гиз керак". Эртасигаёқ йирик овоз
ёзиш компаниясидан бўшадим ва
китоб ёзишга ўтирдим.

— Агар шу қарорни қабул
қилмаганингизда нима бўлар-
ди?

— Луғатимда "агар" деган сўз
мавжуд эмас. Ёзувчининг муҳим
фазилятидан бири, бу сўзнинг
мавжудлигини буткул унутуш
қобилиятидир. Чиндан ҳам бу
сўзни билмайман. Ўйлайманки,
одамларга "агар" жуда хавфли сўз
эканлигини тушутириш керак.

— Нега хавфли?

— Чунки у одамни қучислан-
тиради. У бошқа имкониятлар
ҳақида ўйлашга мажбур қилади.
Сен эса шунчаки ўз танловингни
амалга оширишинг керак. Қоли-
ганини унутушинг ва, айнан, шу
танлов энг тўғриси эканлигига
ишонушинг керак.

— Суҳбатдош: "Неизвестная
планета" радиозастириши
бошловчиси Андрей Марти-
нов.

Испан тилидан Ҳилола
Рўзиева таржимаси



Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Яширасан сен кўзларингни,
куз май тўла кўзларини
ертўлага яширган каби.
Яшир.
Дийдан ҳасратдан қотган.
Орамизда чўзилиб ётган
сукунатни яширолмайсан.

РҮМОЛ ҲАҚИДА ЧИҚДИ...
Рўмол ўраб кўчага чиқди,
рўмолини ечди кўчада
ва сочлари бирдан шовиллаб
оқиб кетди елкаларидан.
Жуда гўзал аёл эди!
Қаландардай эргашди ҳилол.

АММО МЕНГА ДУЧ КЕЛДИ ФАҚАТ
- Йўқ, - дедим, - йўқ,
Чидашим қийин -
Ерда ғам кўп, ерда кўп фирок.
Учиб кетдим осмонга кейин,
Ҳасратлардан бўлай деб йирок.

Учай, дедим,
Куч берар, дедим,
Юрагимга самовий тушлар,
Аммо менга дуч келди фақат
Кўзи ёшга лим тўла кушлар.

Болаликдан бир орзум бор
Юзи оп-поқ
Ҳеч кимга айтилмаган
Мени асло тарқ эматган
Бир орзум бор юрагимда
Кўзлари ўйчан

Денгиз ёқасида яшасам
Хилват соҳилида уйим бўлса
Деразалари очик турса
Узоқ-узоқларда сузган оқ кема
Шавкат Раҳмон шеър дафтаридай
Сузиб ўтса ойдин денгизда
Сузиб ўтса ва деразамнинг
Ойнасида асқ этган елкан
Кабии ёйлса кичрайган елкам

БИР ОРЗУМ БОР ЮРАГИМДА КЎЗЛАРИ ЎЙЧАН...

Денгиз ёқасида яшасам
Хилват соҳилида уйим бўлса
Деразалари очик турса
Равоғида заъфар тилларанг
Қоғоз билан ўралган сопол тувақда
Ям-яшил япрокли бинафшанинг
Сийҳранг гуллари
Менга тикилиб турса
Олисларда қолган қизнинг
Кўзлари билан

Денгиз соҳилида яшасам
МУТОЛАА
Бу китоб мени узоқ ўқиди,
Ишонмасдан,
Қайта-қайта ўқиди.
Тўхтаб-тўхтаб,
бошқа ишга қалгимай,
Синчиклаб ўқиди.

Кейин секин четга кўйиб,
Йиғлаб юборди...

Кўёй қайтди.
Гуруб палласи
Эрибтир қоронғилиқда.
Қиров тушган кузак даласи
Ухлаб ётар қора уйқуда.

Сийҳ кўкни қамраб олганча
Юлдузларни тўсар булутлар.
Алп чинорлар ўйга толганча
Бир-бирини сўроққа тутар.

Энди кўнгил узаман куздан,
Унинг изин қор қўмган пайти,
Оппоқ тоғлар тараф — анғиздан
Ёлғизлигим ёнимга қайтди...

МУҲАББАТ

1. АЁЛ
У аёлнинг кўллари дағал,
У аёлнинг кўйлаги дағал,
Уни ҳар кун қалтаклар эри,
Ҳар кун юзда кўқарар доғлар.
Кеча ногоҳ йўлнинг четида,
Кўриб қолдим ўша аёлни -
У хидларди мен сезмай ўтган
Миттигина марваридгулни.

2. ҚАЙҒУ

Латтани ҳўллар экан
Қотиб қолади,
Ерга эгиб бошини

Ўйга толади.
Ажин босган юзида
Акс этар қайғу —
Кимни ўйлаб, кимни эслаб,
Ғам чекади у?

3. МУҲАББАТ

— Мен севаман, — шивирлар аёл,
Қирларингни ювиб бераман.
Дазмоллайман кўйлақларингни
Сени кучган кўлларим билан.
Фақат бир кун ёнингга ётиб,
Қулогингга шивирласам бас:
"Юрагининг остида кимдир"
Худди сендек олмоқда нафас".

Биласанми, туш кўрдим сени,
Эсда қолди кўзларинг фақат.
Кўрсатмоқчи бўлиб кўзингни
Олиб кетди йўллар бешафқат.

Сени топдим.

Лабингда титроқ,
Шивирладинг:
"Тинчимни буздинг..."
Ўртамазда қийналди чирок,
Уйқусираб йиғлади кизинг.

Сен бўшлиққа тикиб кўзингни
Шивирладинг оҳиста, қарахт:
"Биласанми,
туш кўрдим сени,
Эсда қолди кўзларинг фақат"

ВИДО

Мен сендан кетмоқ истайман,
Ёмғирдек эмас, -
Ёмғир яна қайтиб келади.
Шамолдек эмас, -
Шамол яна қайтиб елади
Мен сендан кетмоқ истайман
Муҳаббат каби...




Ғайбулла ҲОЖИЕВ:

«БИЗ РОЛ ҲАҚИДА...»

Гўдақликдан қалбимизга, шууримизга
иқтидор уруғи сочилиб бўлади. Унинг
юзига чиқиш-чиқмаслиги атрофини ўраб
турган муҳитга боғлиқ. Баъзи инсонлар
билан суҳбатлашсангиз: "Созанда
бўлмоқчи эдим, учувчи бўлмоқчи эдим,
армон бўлиб қолди. Ота-бобомнинг кас-
бини қилдим" - дейишди. Қобилият
милитиллаб турган учқунга ўхшайди. Шу
истеъдодни фақат меҳнат билан шакл-
лантириб, ўстириб, алаңгалатиш мум-
кин. Лекин, қобилият бўлиши шарт, усиз
ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Боболар-
имиз: "Агар Худо юқтирмаган бўлса,
мол бозорида даллол ҳам бўла олмай-
сан", деб кўп айтишарди.

Хозир олтимиз бир ёшдаман. Саҳна-
да ижро этган ролларим кўп. Дарвоқе,
мен ролларим, деб таъкидлаб айтаман.
Негаки, баъзи ёш актёрларни кўриб аф-
сусланиб қўман. Албатта, бу бизнинг,
ёши улуг актёрларнинг айби, деб ўйлай-
ман. Хали тўртта кинода ўйнаганим-йўқим
чиroyли йигит-қизлар телевизорга чи-
қади-да, "мен яратган образ", деб оғиз-
ларини тўлдириб гапирди. Устозларим-
из бизга ўргатганларини, ҳокисорликни
ёшларимизга ўргатолмаганми. Об-
раз дегани нима? Образ дея соҳамиз-
нинг пири бўлган устозларимиз — Олим
Ҳўжаев, Шукру Бўрҳонов, Наби Раҳимов,
Раazzo Ҳамроев, Екуб Аҳмедов, Турғун
Азизов, Рихси Иброҳимова ўйнаган рол-
ларини айтишимиз мумкин. Биз ҳали
образ яратганимиз йўқ. Биз рол ўйна-
япмиз! "Сенга берилган рол ҳали образ
эмас, сен буюк санъаткор бўлганингда-
гина ўзинг образ яратасан. Қоғоздаги
ҳали персонаж. Сен уни ўйнасанг, у рол
бўлади. Сен образ яратмайсан, балки
ўша шарт-шароитда ўзингни ўйнаяп-
сан", — дегим келади уларга.

Менга насиб этган барча ролларим-
ни ёқираман. Чунки ҳаммасида ҳам меҳ-
нат қилганман. Вақтинми, умримни
сарфлаганман. Лекин 1994 йили Абдул-
ла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" аса-
ридаги ижро этган Солиҳ Маҳдум рол-
ли ҳаммасидан ўзгача. 1995 йили
"Тошкент баҳори" деб номланган театр-
лар фестивалида шу ролим "Энг яхши
эркак рол" номинацияси бўйича ғолиб
деб топилган. Бу мен учун катта омад,
катта бахт эди. Бу ролимни улуг усто-
зим, ҳамшаҳрим Олим Ҳўжаев руҳи пок-
ларига бағишлагандим. Чунки ушбу рол-
ни кинода илк бора устозим ижро эт-
ган. Спектаклда ижро этиш эса менга
насиб қилди. Айрим китобхонлар асар-
ни ўқиганидан сўнг Солиҳ Маҳдумни зик-
на, хасис, бахил, деб ўйлайди. Бу нотў-
ри фикр. Чунки бу рол менга берилга-
нидан сўнг кутубхоналарга, архивларга



Ғайбулла Ҳожиёв кизин Зарина ва умр йўдошин
Насиба билан

бориб эски манбаларни варақлаб чиқ-
дим. Бизга тарихдан маълумки, Бухоро
ҳукмдори Амир Насруллоҳон Қўқонга ке-
либ Нодиробегимни қатл эттириб, вай-
ронага айлантди кетади. Бу пайтда
Солиҳ Маҳдумнинг падари бузруквори
Нодиробегимнинг саройида Мирза
боши бўлган. Шу сабаб оила тўкин-со-
чинликда яшаган. Бу фожиалардан сўнг
камбағаллик ва фақирликка мубтало
бўлади. Шунда саккиз ёшли Солиҳ Мах-
дум оилани боқишга мажбур бўлади. Ҳар
бир топилган нарсанинг қадрига етади-
ган, тежамкор бўлиб улғаяди. У зинҳор
зикна бўлмаган, балки тежамкор, иш-
нинг кўзини биладиган тадбиркор ин-
сон бўлган. Ушбу ролни ижро этганим-
да раҳматли устозимиз, театршунос
Тошпўлат Турсунов: "Ғайбуллоҳоннинг бу
ролида зиёли оилада тарбия тогани,
илм олгани сезилиб турибди", деган-
ди.

Доим иш билан, ижод билан тиним
билмай юрган одам нафақага чиқиб
уйда ўтириб қолса, вақти мўл бўлар экан.
Шундай пайтларда ҳаётимдаги кўп во-
қеаларни кино лентасидай кўз олдим-
да ўтказаман ва Яратган Эгамга қайта-
қайта шукроналар айтаман. Менга на-
сиб этган - театрга, дубляжда, радио-
да ижро этган ролларим, Одил Екубов-
нинг "Улугбек хазинаси"да Улугбекни,
Имом Бухорий, Яссавийни, Хофиз Ше-

розийни ижро этганимдан бахтиёрман.
Ҳар қандай актёр орзу қиладиган рол-
ларни ижро этдим. Айниқса, бетоб
бўлиб қолганимдан кейин ҳам кинода ўн
саккизта фильмда ўйнадим. Овозимни
йўқотган бўлсам-да, биринчи фильмим-
га устозим, Ўзбекистон Халқ артисти
Обид Юнусов овоз берди. Кейингилари-
га Ўзбекистон халқ артисти Элёр Но-
сиров, Маҳмуд Исмоиловлар овоз бе-
ришди.

Умрим давомида шу нарсага амин
бўлдимки, тўғрисиқлик энг мақбул иш,
аммо энг машаққатлиси ҳам. Тўғрисиқ
бўлсанг, ҳаммани ўзинга ўхшаган тўғри,
деб билар эксан. Натижада жуда кўп
панд еб, емаган сомсангга ҳам пул
тўлашга мажбур бўласан. Тўғрисиқ ин-
сонларни ҳамма вақт ҳам яхши кўра-
ришмас экан. Энди шижоат билан ижод
қилаётган қирқ етти ёшимда инсулт
бўлдим... Бундан сира нолимайман. У-
стоз актёрларимиз Аброр ака ҳам, Луғ-
фулла Садуллаев ҳам, Обид Жалилов
ҳам инсулт, инфарк бўлишган. Биз энди
сахнанинг бир чангимиз.

Китоб — актёр ҳаётининг мазмуни. Та-
рихни, адабиётни, адабиётимиз тари-
хини билмай туриб қандай актёр бўлиш
мумкин? Баъзи актёрларни кузатсангиз
ҳаммаси жойида, паузларини жойида
беради, нуқта-вергулни ҳам урнида иш-
латади. Ҳатто ургуларни ишлатиши ҳам
аъло даражада... Аммо ижодкор юра-
гингиз жиз этмайди, илимайди, музаб
тураверади... Чунки унинг ўзида юрак
йўқ, дард йўқ... Бундай актёрларни биз
"кардироний актёр" деймиш. Актёр асар
ўқимаса, китобни варақламаса ижро эт-
ган ролни орқали халқнинг қалбига ки-
риб боролмайди. Солиҳ Маҳдум ролини
ўйнаб устозларимизнинг тилига туши-
шимга асосий сабаб ҳам китоб мутола-
аси эди. Кутубхоналарга бориб, изла-
ниб қаҳрамонимнинг ҳаёти билан тани-
шиб чиққанман. Асар ичига кириб ке-
тиб ўша замонда яшаганман. Афсус,
баъзи ёш актёрларимиз фақатгина
кўлига берилган сценарийни ёдлаб оли-
шяпти, холос. Узларидаги Худо берган
хуснага маҳлиё бўлиб, чекланиб қолиш-
япти. Уйнаган ролларида соҳталиқ аломат-
лари сезилиб қоляпти... Китоб мутола-
аси қалбимизга нур бахш этади. Ички
гўзаллик ва чуқур билимгина актёрни
буюк актёр даражасига олиб чиқади.
Негаки, ўйнаган ролларида таъсир ку-
чади, томошабин қалбининг тўридаги
қорону жойларини ўзининг маънавият
нури ила ёритади, муҳаббатига сазовор
бўлади.

Жамолдин АБДУЛЛАЕВ
ёзиб олди



Али ЖАҲҲАР ҲҲЛИ,
озарбайжон адиби

Шаҳарнинг ним қоронғи кўча-
сидан кетиб бораётган наст бўйли,
оқ-сарикдан келган, кўзларида му-
рватли табассум зоҳир бўлган
ўспирин йигит орқасидан эшитил-
ган амрона оҳангдаги овоздан
чўчиб тушди.

— Тўхта! — дея унга етиб олган
йигит буйруқни тақрорлади.
Боягина кўрган хинд фильм-
нинг ёқимли онлари юрагига жо
бўлиб, уни муҳаббат оламининг
энг юксак чўққиларига олиб чиқ-
қан муқаддас ва сурурли тўйгулар
бир лаҳзада қайқадир тарқаб,
уларнинг ўрнига кўрқув хисси
хоким бўлди. Худди бу таҳдидий
амрнинг замирида нималар яши-
рилиши йигитчага кундек ойдин
эди.

— Эҳ, бу завқдан туғилган маф-
тункор дақиқалар бунчалар тез
ўтиб кетмаса, тўйгунча гаштини
суришга ҳам кўйишмади, - дея
кенг пешонасига қўлини кўйиб,
кўнглидан кечирди ва дониманд-
ларнинг эҳтиёткорлик ҳақидаги
ҳикматли насихатларини эслади.
Нима бўлса ҳам эҳтиёткорлик ва
сабрни кўлдан бермасликка қарор
қилди. Ахир араблар бекорга айт-
маганлар-ку, сабр ҳар ерда дар-
мон, сабрга эса дармон йўқ, деб.
У секин орқасига ўгирилди, нақ
рўпарасида гавдаси йирик, кўри-
нишдан таҳминан йигирма беш
йигирма саккиз ёшли, соқоли
ўсган, елкалари чўккан, кўзлари
арқининг бўтана сувини эслату-
чи, бесўнақай бир одамни кўрди.
Хириллаган овоз қанчалар ёқим-
сиз бўлса, кўриниши ҳам шунча-
лик совқ эди. Уни кўздан кечи-
раркан, бундай бадбашарадан ҳар

БЕШ ТИЙИН

Ҳикоя

нарса кутиш мумкин, деган фикр
кўнглидан кечди. Эт увиштирадиган
овоз, ёшланган кўзлар, узун
жағ, сийрак соқоли афт-ангор -
буларнинг ҳаммаси унинг тасавву-
рида ноҳуш манзара яратганди.

— Эшитаман! — дея пойтахтда-
ги техника институтларидан бири-
да меъморлик факультетида тах-
сил олаётган ўн етти ёшли талаба
ҳадиксираб жавоб берди.

У одам эса озгидеги сақични ча-
пилитиб чайнар, безбетларча та-
лабага бошдан-оёқ тикилар ва хи-
рлариди. Кўполу кескин тарзда
қаршисидаги йигитчанинг елкала-
ридан чангаллаб силкитди ва буй-
ругини янгидан тақрорлади:
— Қани, тез бўл, чўнтакни
агар! Пуллари чиқар буюққа! —
дея кўзлари билан нўпўса қилиб
жадалроқ ҳаракатланишни буюр-
ди.

Талаба ваҳмига тушди. Йўл че-
тида қад ростлаган қарағай дарахт-
ларининг қўланқаси, насткам уй-
ларнинг галати кўриниши ундаги
кўрувни янада кучайтирди.

Юрагидан аччиқ нола отилдээ-
ди:
— Бунчаам хосиятсиз жойда дуч
келмасам...

Бир дақиқада тоғли қишлоқ,
серсув дарёда қулоч отиб сузи-
ши, яйловда қўй-қўзи ўтлатган дам-
лари ёдига тушди. Қандай югуриб-
еларди у чоғларда! Вазиятдан қу-
либ йўли бўлиб туюлган югурмоқ
истаги қалбини чулғади. "Ягона
йўлим шу, унга барибир кучим ет-
майди", — деб ўйлади.

Шу пайт йигит унинг ёқасига
ёпишди.

— Нима бало, кармисан?! Кўл-
оёғим ишга тушмасдан пулни чўл!
- дея қўсталанг қилди безори.

Талаба бир онда ёқасини унинг
чанғалидан халос этиб, орқасига
қарамай югура кетди. Йигит ҳам
уни қувишни бошлади.

Кенг кўчадан ўтиб, сўнгра му-
лишдаги "Наҳчиван" меҳмонхона-
си тараф пастликка қолип кетди-
лар. Дўконларнинг кўпи ёпилган,
айрим бинаолардан ёруғлик тушиб
турарди.

Йигитча дўконлардан бирига
кирмоқчи бўлди. Ҳам наҳот топ-
моқ умиди, ҳам уни яна исканжага

олган оқлик ҳиссини даф қилиш
учун кулай фурсат эди. Лекин
қўлга тушишдан кўриб, фикридан
қайтди. Автовокзалнинг ёнидан
ўтиб, "Низомий" метроси томонга
югурди. Безори эса унинг изидан
келар, бир зум ҳам кўзини олмас,
назардан қочиришдан чўчирди.

Талаба шўрлик қора терга ғарқ
бўлган эди. Ҳаяжондан юраги
қинидан чиқээзганди. Атрофда
ўткинчилар кўп бўлишига қарамай,
ҳеч ким уларни тўхтатмас, бу
қувди-қувдининг сабаби билан
қизикқан бирор кимса йўқ эди.
"Қишлоқда бўлсайди, бу воқеага
бефарқ қарамасдилар. Шаҳарда
нега бундай экан-а?" дея қўнгли-
дан кечирди.

Талаба йигит қутилмаганди
оёқлариди қаттиқ оғриқ сезди.
Узоқ югурганидан нафаси сиқилиб,
ҳарсилларди. Шунинг учун тўхташ-
га мажбур бўлди. Орқасидан етиб
келган безори яна унинг ёқасига
ёпишди ва жаҳл билан деди:

- Ха, паkana, қайёқа қочясан?
Мендан қутуламан, деб ўйладинг-
ми? Пулни буюёқа бер, бўлмаса
бошингни мажақлайман.

Бу сўзлардан талабанинг юраги
орқасига тортиб кетди. Шошиб
қўлини ўзига қаттарок турган ши-
мининг чўнтагига солди. Рўпара-
сидаги нусханинг қағитга қўлига
илинган бор-йўғи беш тийинни
қўйди.

- Бу нима? - сурбетларча сўра-
ди безори.

- Беш тийингина пулим бор.
Бошқа қолмаганди.

- Йўғ-е? - югура-югура тинқаси
қуриб, пишиллаб нафас олаётган
безори қизиксинди.

Димлик тарқаб, майдалаб ёмғир
ёға бошлаганди. Ҳавога ёқимли ис
таралээтганди.

Безори йигит бу жавобдан тал-
мовсирди. Эшитганларига амин
бўлмоқчидек аста қафтини очди.
Озроқ қорайган беш тийинлики
қўрақан, шунга югурганига ачин-
ди. Кўча чироғи остида туриб,
сарик чакага тикилиб қолди.

Талаба эса хотиржамлик билан
кўчадан ўтди-да, уйига қорона
бўлди.

**Озарбайжон тилидан Шахло
Қосимова таржимаси**

Дадахон НУРИЙ:

"ИККИ МУАЛЛИМАМ..."

Менга илк бор муаллимлик қил-
ганлар икки киши бўлиб, бир умр-
га хотирамда қолган. Мактабга
бормасимдан Муборак одам би-
ринчи сабоқни берган. Қўлимга
қулранг, қалин муқовали китобни
тўтқазиб ўқитган. Буртма қилиб
ёзилган ҳарфларни "Ша-роф Ра-
ши-дов. Фо-либ-лар" деб, ўқиган-
ман. Ушанда беш ёшларда эдим.
Биринчи ўқиган китобим "Ғолиб-
лар" бўлган. Кейин ичкари уйи-
миз тоқчаларини тўлдириб тура-
диган (улар ичиди арабча ёзувли-
лари ҳам кўп эди) китоблардан
"Алломиш", "Кунтуғмиш" ни
ўқиганман.

Биринчи ўқитувчим Гулрайҳон
Нафиқова ўтган хусниҳат дарсла-
ри менда рассомлик қизиқчи
уйғотган.

Илк "асарим"нинг ўз тарихи
бор. Нафиқова ая: "Сен ҳар на-
рсага қизиқувчан фантазёрсан."
"Кундалик дафтар" тутиб,
хаёлинга келганларни ёзиб бор-
ди дердилар. Ёзиб борардим... Кей-
инроқ "Кундалик"дан ўрин олган
ёзув машинкаси ҳақидаги "фанта-
зиям" кичкина ҳикоя - "Ақли пе-
ро"нинг ёзилишига сабаб бўлди.
Ҳикоям республика болалар газе-
тасида чоп этилди. Мактабимизда
ҳар дониси бир тийин турадиган
шунга газетига адашмасан, юзга ақин
була обуна эдик. Ҳамминанг
қўлида менинг номим чикан га-
зета. "Обрўйим" шу даражада
кўтарилди кетдики... Математика
фанидан бўшроқ эдим. Акрамов
деган домлазми мени унча хуш-
ламасди. Энди қулиб қарайдиган,
бахони ҳам аямай қўядиган бўлди.

Болалигим ноҳақлик нималиги-
ни билмай, беғубор қўнлар оғуши-
да ўтган. Шунинг учунми, ёшим
ўтган сарси бундай баюлий эзимга
улар келмас, ёки содир қўймоқчи-
лини кўриб турсам, асло тоқат
қилолмайман.

Яна бир устозим Қуддус Муҳам-
мадийнинг пойтахт марказида фа-
олият олиб борувчи "Адабиёт тўра-
раги"га бориб, ростмана адабий
сабоқни ўша ерда олганман.

Биринчи китобим босилиб чиқ-
қач, Қуддус домла шундай қувони-
чани кетганки, китобдан бир неч-
тасини ўзлари қўптиқлаб олиб, Ой-
бек, Миртемир, Шайхзода, Шук-
рулло, Ҳаким Назир каби ёзувчи-
лар хузурига олиб бориб, "Мана,
Қудрат Ҳикматдан кейин яна бир
шоигрдимнинг қалдиғроқ асари
босилди" деб, ҳаммага таништи-
риб чиққан.

Болалигимда мени икки нарса

қаттиқ ҳаяжонга солган. Ҳали-
ҳамон унутолмайман. Биринчиси
Жул Верннинг асарлари бўлса,
иккинчиси дала йўлида тасодифан
ўзим гувоҳ бўлган ҳодиса.

Ғира-шира оқшом пайти эди.
Бир томонини узумзор, иккинчи
томонини резавор экинлар қопла-
ган бог-кўчадан кетиб борардим.
Уч-тўрт қадам нарида чақалоқнинг
дўпписидай қора нарса кўзга таш-
ланди. Қўлимдаги фонар ёруғини
унга тўриладим. Типратикан экан.

Узун тумшукли бошини сертикан
вуждидан олдинга чўзганича
қимир этмай ётар, бир жуфт мул-
чок кўзлари ёруғлик ақсиди йил-
тиллаб қўрингандай бўлди. Энга-
шиб, унга яқинроқ келдим, ҳийла
қонга беланган яна бир типрати-
канга кўзим тушди. Демак, унга
шу ердан ахён-ахёнда ўтиб турив-
чи арава ёки машина шикаст ет-
казган. Шериғи эса, мотам тутган-
дай, уни ёлғиз ташлаб кетгиси йўқ.
Нима қилишни билмай, бир лаҳза
ўйланиб турдим. Сўнг, яна бирон
кор-хол бўлмасин деб, омон қол-
ган типратиканни йўл четига-ҳавф-
сизроқ жойга чиқариб қўймоқчи
бўлдим. Бироқ, уринишларим зое
кетди. У чалажон шериғи олдига
пилдириб, келиб олаверди. Шун-
да жабрдийда жониворни аста
кўтариб, узумзор томонга олиб
ўтдим. Сув шариллаб оқиб турган
ариқ бўйидаги барра майсалар ус-
тига қўйдим. Зум ўтмай шериғи
унинг ёнида пайдо бўлди. Шунда
унинг митти кўзларида ёш қурган-
дай бўлдим...

Орадан қанча йиллар ўтган
бўлса-да, ҳамон ўйланиб юраман;
нега баъзи одамлар мана шу жо-
ниворчалик ҳам бир-бирига меҳр-
оқибатли эмас?..

"Беғубор болалик"... Биз учун
соғда ва умумийроқ бўлиб туюла-
диган бу тушулча аслида жуда катта



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/3282> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3282> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3282>